2

2016 ЙИЛ 22 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 263 (13.326)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ўз танлаб олган мустақил тараққиёт йўлидан – ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойилларига асосланган, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан қатъият билан бормоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат – Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларациясида ҳар бир инсон фуқаролик ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қандай асосларда эга бўлганликдан қатъий назар, республиканинг бутун ҳудудида ҳамма учун тенг бўлган ягона фуқаролик белгилаб берилган.

Фуқаролик давлат томонидан барча шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашнинг асоси ҳисобланади.

Ўзбекистон конституциявий нормаларни ҳаётга татбиқ этиш доирасида Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди ва унинг ташқарисида ўз фуқароларининг ҳуқуқий ҳимояси ва муҳофазасини таъминлайди.

Шу муносабат билан, бугунги кунда фуқаролик бериш тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш ва бундай юксак унвонга муносиб шахсларни, энг аввало "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Қонун кучга кирган вақтда турли объектив ва бошқа ҳаётий вазиятларга кўра чет элда бўлган республиканинг маҳаллий аҳолиси орасидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида асосли қарорлар қабул қилиш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур чораларнинг амалга оширилиши халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принципларига тўла мос келади ва ўзбек заминида туғилиб, ўсиб-улғайган ҳамда Ватанимизнинг тараққиёти ва равнақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган шахсларнинг манфаатларини назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 22-банди, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17 ва 30-моддаларига мувофиқ:

1. Қуйидаги шахсларнинг аризалари қаноатлантирилсин ва улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинсин:

1) **Абдалов Ярашбой Эшимович,** 1966 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

2) **Абдижамилов Султанбек Мажитович,** 1968 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, қорақалпоқ, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

3) **Абдуллаев Одилжон Рузиевич,** 1957 йилда Навоий вилоятида туғилган, ўзбек, Навоий вилоятида яшайди.

4) **Абдуллаев Якуб Сулейманович,** 1961 йилда Фарғона вилоятида туғилган, ўзбек, Фарғона вилоятида яшайди.

5) **Абдуллаева Саодатхон Сотимбоевна,** 1970 йилда Наманган вилоятида туғилган, ўзбек, Наманган вилоятида яшайди.

6) **Абдуллина Нозигул Уринбоевна,** 1966 йилда Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

7) **Адилова Матлюба Абдурашидовна,** 1976 йилда Самарқанд вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

8) **Айманов Музаффар Базарбаевич,** 1973 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

9) **Акинов Туйчибай Балтабаевич,** 1956 йилда Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

10) **Акманова Базаргул Рахимбаевна,** 1973 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

11) **Алиева Севара Заировна,** 1964 йилда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

12) **Алламбергенова Гульбахар Ембергеновна,** 1973 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

13) **Алламбергенова Катиша,** 1952 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, қорақалпоқ, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

14) **Алламов Хайтбай Юлдашевич,** 1968 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

15) **Арапова Гулсара Мухтаровна,** 1959 йилда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Наманган вилоятида яшайди.

16) **Арапова Октябрьхан Касимовна,** 1935 йилда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Наманган вилоятида яшайди.

17) **Артиков Мухаммадюсуп Атарбаевич,** 1967 йилда Фарғона вилоятида туғилган, ўзбек, Фарғона вилоятида яшайди.

18) **Асатиллаева Татьяна Ивановна,** 1968 йилда Украинада туғилган, украин, Фарғона вилоятида яшайди.

19) **Атаджанов Айбек Акмалевич,** 1976 йилда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

20) **Атаджанов Байрамдурди Италмазович,** 1972 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, туркман, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

(Давоми 2-бетда)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган сайловда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбобларидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва барокатуҳу

Жаноби Олийлари!

Сиз, Жаноби Олийларига Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табрикларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Сизга шу муносабат билан ўз номимдан, Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги халқи ва ҳукумати номидан энг эзгу тилакларимни билдираман. Мамлакатларимиз ва халқларимизнинг умумий манфаати йўлида давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, ислом ҳамжамиятига хизмат қилиш ва бутун дунёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга тайёр эканимизни тасдиқлайман.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига улкан муваффақиятлар ва фаровонлик тилайман.

Абдуллоҳ II бин ал-ҲУСАЙН,
Иордания Подшоҳи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва барокатуҳу

Жаноби Олийлари!

Сизга Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришганингиз муносабати билан ўзимнинг самимий табрикларимни йўллаш менга беҳад мамнуният бағишлайди.

Сизга масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман, келажакда дўстлигимиз ва ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланишига умид қиламан.

Эзгу тилаклар билан,

Ҳожи Ҳассанал БОЛКИЯҲ,
Бруней Доруссалом Султони

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизни яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ишончли ғалаба қозонганингиз ва Президент этиб сайланганингиз муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Ишончим комилки, Ўзбекистон халқи ўз хоҳиш-истагини билдиргани Сизнинг ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш, ривожланган иқтисодиёт принципларини давом эттириш ва Ўзбекистон халқи фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган фаолиятингизни кенг қўллаб-қувватлаганидан далолатдир.

Сизнинг фаолиятингиз давомида Молдова Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик мамлакатларимиз фаровонлиги йўлида ҳар томонлама ривожланишига аминман.

Сизга масъулиятли фаолиятингизда улкан ютуқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Николае ТИМОФТИ,
Молдова Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам жаноб Президент!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан Исроил ҳукумати номидан муборакбод этишга ижозат бергайсиз. Сизга мамлакатингизни тараққиёт ва фаровонлик йўлида янада ривожлантиришда улкан муваффақиятлар тилайман.

Исроил ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар бундан буён ҳам ривожланишига ишонаман. Сизни ўзингизга қулай вақтда Исроилга ташриф билан келишга таклиф этаман. Ташрифингиз давомида Қуддус шаҳрида Сизни қутлаш ва мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатлари ҳамда ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш менга мамнуният бағишлайди.

Ҳурмат билан,

Биньямин НЕТАНЬЯХУ,
Исроил Давлати Бош вазири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноб Президент!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан чин дилдан самимий табриклашга рухсат бергайсиз.

Сизга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Рауль КАСТРО РУС,
Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Вазирлар Кенгашининг Раиси

Шунингдек, қуйидагилар ўз қутловларини йўллаган:

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Бош вазири, мудофаа вазири – **Хани ал-Мулки**

Европарламент депутати, "Европа Иттифоқи – Ўзбекистон" парламент ҳамкорлиги бўйича делегация раҳбари ўринбосари – **Улрике Мюллер**

"Эйрбас Хеликоптэрс" компаниясининг катта вице-президенти, Европа бўйича раҳбари – **Оливьер Мишалон**

Япония Демократик партияси президенти, Парламент маслаҳатчилар палатаси депутати – **Ренхо**

"Комейто" партияси президенти (Япония) – **Нацуо Ямагучи**

"НЕК" корпорацияси директорлар кенгаши раиси – **Нобухиро Эндо**

"Инжиниринг Доберсек" компанияси бош директори – **Инг Альбин Доберсек**

Швейцариянинг "Юрэйка хат" тиббиёт фонди президенти – **Паул Фогт**

"АМКОДОР" холдинги директорлар кенгаши раиси – **Александр Шакутин**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2017 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2017 йилнинг февраль-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг котиби В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 21 декабрь

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

"Юртимизда ёшларнинг замонавий касб-ҳунар эгаллаши, ўз билим ва салоҳиятини юзага чиқариши учун барча шарт-шароит яратилган. Мен таҳсил олаётган таълим муассасасида дарс жараёнлари тўлиқ замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида ташкил этилади. Компьютер заллари, замонавий техника жиҳозлари билан таъминланган ахборот-ресурс маркази ва шинам аудиториялар, энг сўнгги моделдаги интерактив доскалар ва катта сенсорли мониторлар... Буларнинг бари бизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай таълим олишимизга хизмат қилмоқда..."



Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

ТАЪЛИМДА АКТ: ИЛҒОР ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

Бу Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети бошланғич таълим ва жисмоний маданият факультети 4-курс талабаси, Навоий номидаги Давлат стипендияси совриндори Доно Акбарованинг фикрлари.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан жаҳон таълим стандартлари ва илғор халқаро тажрибаларни ўқув жараёнига татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада таълим муассасаларида электрон таълим орқали модул тизимига босқичма-босқич ўтиш жараёни давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2013 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари таълим тизимида ахборот-коммуникация технологиялари, интернет ва мультимедиа ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилаётир.

(Давоми 3-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Гулистонда "Ёш фермер" кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.18 ёшдан 35 ёшгача бўлган ва қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори натижаларга эришаётган ёш фермерлар иштирок этган танловда уларнинг ўз хўжаликларини иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини такомиллаштиришга оид фаолиятига, келгуси режа ва лойиҳаларига алоҳида эътибор қаратилди. Иштирокчилар фермерлик бошқаруви, бухгалтерияси, ҳуқуқий ваколатлари каби саволжавоблар орқали яна бир бор синовдан ўтди.

● Янги йил байрами арафасида Самарқанд вилояти Ургут туманидаги "Мерганча" маҳалласида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган арзон уй-жойлар кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларга тантанали равишда топширилди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, "Баркамол авлод" болалар маркази ҳамкорлигида ўтказилган кўрик-танлов ёшларнинг ҳушёрлигини ошириш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишни тарғиб қилишга бағишланди.

● Навоий вилоятининг Нурота, Хатирчи ва Қизилтепа туманлари тиббиёт бирлашмаларига "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида реанимобиль автомобиллари топширилди.

ЖАҲОНДА

● Мексикадаги пиротехника маҳсулотлари бозорида юз берган кучли портлаш натижасида 29 киши ҳалок бўлди, 70 дан ортиқ одам турли даражадаги тан жароҳатлари олди. Ҳозирча портлашнинг сабаблари аниқланмаган. Таъкидлаш жоизки, бу пиротехника бозорида жорий йил давомида рўй берган учинчи ва энг кучли портлашдир.

● Японияда футбол бўйича бўлиб ўтган клублар ўртасидаги жаҳон чемпионати финалида Мадриднинг "Реал" жамоаси Кунчиқар мамлакатнинг "Касима Антлерс" командасини 4:2 ҳисобида мағлуб этгани ҳолда курраи замин чемпионлигини қўлга киритди. Куни кеча йилнинг энг яхши ўйинчисига топшириладиган "Олтин тўп" мукофотининг тўртинчи бор соҳиби бўлган "Реал" ҳужумчиси Роналду турнирнинг энг яхши ўйинчиси деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

21) **Ахмедов Алиберген Отегенович,** 1976 йилда Туркманистонда туғилган, қорақалпоқ, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

22) **Ахмедов Шухрат Хазратович,** 1966 йилда Навоий вилоятида туғилган, араб, Навоий вилоятида яшайди.

23) **Ачилдиева Мукаддас Хатамовна,** 1971 йилда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Сурхондарё вилоятида яшайди.

24) **Аширов Бэшим Жумамуратович,** 1970 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, туркман, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

25) **Багдияров Амангельди Реимбаевич,** 1967 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, қозоқ, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

26) **Бакиров Алмардон Алимович,** 1964 йилда Қашқадарё вилоятида туғилган, тожик, Қашқадарё вилоятида яшайди.

27) **Бакирова Манзура Иркиновна,** 1970 йилда Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

28) **Балаян Ася Сетраковна,** 1940 йилда Озарбайжон Республикасида туғилган, арман, Самарқанд вилоятида яшайди.

29) **Баротова Гулхумор Зайниевна,** 1961 йилда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Навоий вилоятида яшайди.

30) **Бегимбетов Кадамбай Бекчанович,** 1970 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

31) **Бердиева Гулсара Бурикуловна,** 1969 йилда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

32) **Бисенбаев Аитбай,** 1954 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, қозоқ, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

33) **Божимов Омирбай Ерназарович,** 1964 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, қозоқ, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

34) **Бозоров Нозимжон Боқиевич,** 1971 йилда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

35) **Бойгитова Озода,** 1960 йилда Тошкент вилоятида туғилган, тожик, Тошкент вилоятида яшайди.

36) **Валиев Руслан Фуатович,** 1966 йилда Тошкент вилоятида туғилган, татар, Тошкент вилоятида яшайди.

37) **Валиева Галина Александровна,** 1971 йилда Тошкент вилоятида туғилган, татар, Тошкент вилоятида яшайди.

38) **Вафаев Мехродж Исламович,** 1973 йилда Самарқанд вилоятида туғилган, ўзбек, Самарқанд вилоятида яшайди.

39) **Висоцкая Наталия Станиславовна,** 1963 йилда Қирғизистон Республикасида туғилган, поляк, Навоий вилоятида яшайди.

40) **Гадаев Шухрат Темирович,** 1965 йилда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

41) **Гаджиева Хазинат Рашидовна,** 1960 йилда Бухоро вилоятида туғилган, лак, Бухоро вилоятида яшайди.

42) **Гаибова Дилшода Турановна,** 1965 йилда Фарғона вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

43) **Гаипов Рустамбек,** 1951 йилда Хоразм вилоятида туғилган, ўзбек, Қашқадарё вилоятида яшайди.

44) **Галлямова Альмира Бариевна,** 1967 йилда Бухоро вилоятида туғилган, татар, Бухоро вилоятида яшайди.

45) **Гарофутдинова Замира Ахмедовна,** 1956 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

46) **Гельдиева Светлана Борисовна,** 1963 йилда Россия Федерациясида туғилган, рус, Навоий вилоятида яшайди.

47) **Глазков Геннадий Михайлович,** 1961 йилда Фарғона вилоятида туғилган, рус, Бухоро вилоятида яшайди.

48) **Гуламов Вахидилло Кутпуллаевич,** 1960 йилда Андижон вилоятида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

49) **Гуланова Муборак Анваровна,** 1972 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган, ўзбек, Сурхондарё вилоятида яшайди.

50) **Гулямова Лола Салеховна,** 1957 йилда Бухоро вилоятида туғилган, тожик, Бухоро вилоятида яшайди.

51) **Давранов Мухиддин Мардонович,** 1969 йилда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

52) **Давронова Зебинисо Азимовна,** 1969 йилда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

53) **Далиева Рискиннса Махмудовна,** 1959 йилда Фарғона вилоятида туғилган, ўзбек, Фарғона вилоятида яшайди.

54) **Джапаров Риза Рефатович,** 1959 йилда Самарқанд вилоятида туғилган, татар, Самарқанд вилоятида яшайди.

55) **Джумабаева Зулайха Матназаровна,** 1960 йилда Хоразм вилоятида туғилган, ўзбек, Хоразм вилоятида яшайди.

56) **Джумабаева Хилола Мирзоахмедовна,** 1976 йилда Фарғона вилоятида туғилган, тожик, Фарғона вилоятида яшайди.

57) **Джуманбаева Умриниссо Дехканбаевна,** 1947 йилда Тошкент вилоятида туғилган, тожик, Тошкент вилоятида яшайди.

58) **Джуманиязова Гуландам Душамовна,** 1976 йилда Туркманистонда туғилган, ўзбек, Хоразм вилоятида яшайди.

59) **Джураев Рахитдин,** 1941 йилда Наманган вилоятида туғилган, тожик, Тошкент вилоятида яшайди.

60) **Додоқўзиева Зилолахон Мирзоахмадовна,** 1974 йилда Фарғона вилоятида туғилган, тожик, Фарғона вилоятида яшайди.

61) **Ерназаров Якшимурат Уразбаевич,** 1961 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

62) **Жумакулов Одил Панжиевич,** 1967 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган, тожик, Сурхондарё вилоятида яшайди.

63) **Займак Владимир Семёнович,** 1934 йилда Бухоро вилоятида туғилган, украин, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

64) **Займак Людмила Ивановна,** 1934 йилда Фарғона вилоятида туғилган, рус, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

65) **Зайнабидинова Рахимахон Абдраимовна,** 1968 йилда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Хоразм вилоятида яшайди.

66) **Зокирходжаев Маорифходжа Холходжаевич,** 1952 йилда Тожикистон Республикасида туғилган, тожик, Наманган вилоятида яшайди.

67) **Ибодова Гуласал Хамроевна,** 1972 йилда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Сурхондарё вилоятида яшайди.

68) **Икрамов Анварбай Хамрабаевич,** 1971 йилда Жиззах вилоятида туғилган, тожик, Жиззах вилоятида яшайди.

69) **Искандерова Елена Меджитовна,** 1984 йилда Тошкент вилоятида туғилган, рус, Тошкент вилоятида яшайди.

70) **Исраилова Гулчехрахон Тураевна,** 1959 йилда Андижон вилоятида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

71) **Исраилова Мухтарамой Алимовна,** 1949 йилда Фарғона вилоятида туғилган, тожик, Фарғона вилоятида яшайди.

72) **Ишматова Дилором Давроновна,** 1973 йилда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

73) **Казаков Уктам Кудратович,** 1967 йилда Навоий вилоятида туғилган, ўзбек, Навоий вилоятида яшайди.

74) **Каримов Бахтиёр Рахмонович,** 1970 йилда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

75) **Каримов Нусрат Жалилович,** 1971 йилда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

76) **Каримов Улуғназар Чаршанбиевич,** 1964 йилда Қашқадарё вилоятида туғилган, тожик, Қашқадарё вилоятида яшайди.

77) **Кахарова Умида Юлдашевна,** 1975 йилда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

78) **Каюмов Абдилахади Абдувохидович,** 1965 йилда Андижон вилоятида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

79) **Кожабаева Сорбике Кадирбергеновна,** 1968 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, қорақалпоқ, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

80) **Кудратова Олия Искандаровна,** 1958 йилда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

81) **Курбанов Комилджан Рахимович,** 1969 йилда Хоразм вилоятида туғилган, ўзбек, Хоразм вилоятида яшайди.

82) **Курчиев Абдумалик Джадилович,** 1966 йилда Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

83) **Курчиева Барно Султоновна,** 1969 йилда Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

84) **Кушакова Мухаббат Урдушевна,** 1966 йилда Жиззах вилоятида туғилган, ўзбек, Жиззах вилоятида яшайди.

85) **Мавлянова Зульфия Ишмуратовна,** 1971 йилда Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

86) **Мадаминов Дильмурат Умматалиевич,** 1974 йилда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Наманган вилоятида яшайди.

87) **Мадаминова Асилпашша,** 1950 йилда Хоразм вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

88) **Маджитов Акбар,** 1961 йилда Хитой Халқ Республикасида туғилган, уйғур, Фарғона вилоятида яшайди.

89) **Мажитова Мўътабар Маннановна,** 1970 йилда Хоразм вилоятида туғилган, ўзбек, Хоразм вилоятида яшайди.

90) **Мамадаминова Рахила Маллаевна,** 1954 йилда Самарқанд вилоятида туғилган, ўзбек, Самарқанд вилоятида яшайди.

91) **Мамбетова Акчагуль Аразматовна,** 1965 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, туркман, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

92) **Матдурдиев Анвар Авазович,** 1973 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, туркман, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

93) **Матназаров Фарҳод Исмоилович,** 1961 йилда Хоразм вилоятида туғилган, ўзбек, Хоразм вилоятида яшайди.

94) **Матризаева Гульнара Джуманиязовна,** 1970 йилда Туркманистонда туғилган, ўзбек, Хоразм вилоятида яшайди.

95) **Машарипов Сиддикжон Уринбоевич,** 1972 йилда Хоразм вилоятида туғилган, ўзбек, Хоразм вилоятида яшайди.

96) **Мелибаев Амир Зиядуллаевич,** 1952 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган, ўзбек, Сурхондарё вилоятида яшайди.

97) **Мелиев Собир Орипович,** 1962 йилда Фарғона вилоятида туғилган, ўзбек, Фарғона вилоятида яшайди.

98) **Мингбаева Гаухар Ибрагимовна,** 1966 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

99) **Мингбоев Ботирали Мамажонович,** 1965 йилда Наманган вилоятида туғилган, ўзбек, Наманган вилоятида яшайди.

100) **Мирешова Завра Меретовна,** 1960 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, туркман, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

101) **Мирзабдуллаев Тўлкинжон Тажимаматович,** 1964 йилда Наманган вилоятида туғилган, ўзбек, Наманган вилоятида яшайди.

102) **Мордовина Галина Николаевна,** 1968 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, рус, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

103) **Муминова Дилбар Мухамедовна,** 1965 йилда Тошкент вилоятида туғилган, қозоқ, Тошкент вилоятида яшайди.

104) **Муминова Зулфия Баратовна,** 1966 йилда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

105) **Мурадова Норбиби Исмаиловна,** 1960 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган, ўзбек, Сурхондарё вилоятида яшайди.

106) **Мусаев Шерзод Алишерович,** 1981 йилда Фарғона вилоятида туғилган, ўзбек, Фарғона вилоятида яшайди.

107) **Мусаева Муяссар Хамиджановна,** 1962 йилда Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

108) **Мусалова Лилия Шамиильевна,** 1964 йилда Андижон вилоятида туғилган, украин, Андижон вилоятида яшайди.

109) **Нарбаева Гулнора Хусин қизи,** 1974 йилда Хоразм вилоятида туғилган, татар, Хоразм вилоятида яшайди.

110) **Насирова Юлдузхон Собировна,** 1968 йилда Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

111) **Нишанов Махамадсабир Сайдатович,** 1966 йилда Наманган вилоятида туғилган, ўзбек, Наманган вилоятида яшайди.

112) **Ниязматова Рано Тургуновна,** 1963 йилда Тожикистон Республикасида туғилган, тожик, Тошкент вилоятида яшайди.

113) **Новосёлова Оксана Вениаминовна,** 1970 йилда Навоий вилоятида туғилган, рус, Навоий вилоятида яшайди.

114) **Норбобоев Даврон Хушбокович,** 1973 йилда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Сурхондарё вилоятида яшайди.

115) **Норкулова Нозигуль Ризоевна,** 1971 йилда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

116) **Нуримбетов Шамурод Турсинбаевич,** 1963 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

117) **Нурутдинов Зиёвуддин Шамсидинович,** 1976 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

118) **Обидова Раъно Холиковна,** 1961 йилда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

119) **Ортиков Хакимжон Имомалиевич,** 1957 йилда Фарғона вилоятида туғилган, ўзбек, Фарғона вилоятида яшайди.

120) **Рахимов Абдухалил Абдукаюмович,** 1972 йилда Тошкент вилоятида туғилган, тожик, Тошкент вилоятида яшайди.

121) **Рахимов Худайберган Каримович,** 1968 йилда Хоразм вилоятида туғилган, ўзбек, Хоразм вилоятида яшайди.

122) **Рахмонова Маккамташ,** 1965 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган, ўзбек, Сурхондарё вилоятида яшайди.

123) **Режепова Тамара Аширбаевна,** 1962 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

124) **Рузметов Тохир Эрматович,** 1959 йилда Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

125) **Савриева Нодира Фазлидиновна,** 1963 йилда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

126) **Садикова Мирзагуль Сапарбаевна,** 1966 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, қозоқ, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

127) **Саидова Мухарам Мавляновна,** 1945 йилда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

128) **Саламов Исомиддин Жамалович,** 1968 йилда Қашқадарё вилоятида туғилган, ўзбек, Қашқадарё вилоятида яшайди.

129) **Сапаев Неьматжан Отабаевич,** 1966 йилда Хоразм вилоятида туғилган, ўзбек, Хоразм вилоятида яшайди.

130) **Сафаров Намоз,** 1950 йилда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

131) **Сидикова Латофат Сатвалдиевна,** 1973 йилда Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

132) **Смирнова Жанна Геннадьевна,** 1970 йилда Россия Федерациясида туғилган, рус, Хоразм вилоятида яшайди.

133) **Суяркулова Гульнара Рахмановна,** 1970 йилда Фарғона вилоятида туғилган, ўзбек, Фарғона вилоятида яшайди.

134) **Тагаева Машкура Ганиевна,** 1965 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

135) **Тажибаев Акрам Хожимирзаевич,** 1968 йилда Наманган вилоятида туғилган, ўзбек, Наманган вилоятида яшайди.

136) **Таиров Максуд Шарифович,** 1973 йилда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

137) **Ташметов Улугбек Садикович,** 1977 йилда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

138) **Тен Юрий Анатольевич,** 1962 йилда Тошкент вилоятида туғилган, корейс, Жиззах вилоятида яшайди.

139) **Тлеугалиева Курбанай Куанишовна,** 1971 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, қозоқ, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

140) **Тобаназарова Лазат Убайдуллаевна,** 1968 йилда Навоий вилоятида туғилган, қозоқ, Навоий вилоятида яшайди.

141) **Тохиров Мустафокул Мухамадкулович,** 1960 йилда Самарқанд вилоятида туғилган, ўзбек, Самарқанд вилоятида яшайди.

142) **Тошболтаев Баходир Курбанович,** 1970 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган, ўзбек, Сурхондарё вилоятида яшайди.

143) **Тошпулотов Камол Комилжонович,** 1975 йилда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

144) **Туймоев Хайдарали Уразалиевич,** 1955 йилда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

145) **Тураханов Бахрам Сайидмуратович,** 1966 йилда Самарқанд вилоятида туғилган, ўзбек, Самарқанд вилоятида яшайди.

146) **Турдиева Турсунбуви Худойбергеновна,** 1953 йилда Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

147) **Турсунбаев Саибжан Ибрагимович,** 1966 йилда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Наманган вилоятида яшайди.

148) **Турсунов Ильхам Таирович,** 1977 йилда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

149) **Турсунова Зарина Исамитдиновна,** 1978 йилда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Самарқанд вилоятида яшайди.

150) **Турсунова Мукаддас Хайдаровна,** 1965 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

151) **Турсунова Наргиза Рахимовна,** 1980 йилда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

152) **Умаров Зариф Ходжиевич,** 1960 йилда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

153) **Уринбоев Азамат Турсунович,** 1982 йилда Фарғона вилоятида туғилган, ўзбек, Фарғона вилоятида яшайди.

154) **Усманалиев Бахадир Махмуджанович,** 1972 йилда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Наманган вилоятида яшайди.

155) **Усманова Ранахан Маликовна,** 1963 йилда Фарғона вилоятида туғилган, ўзбек, Фарғона вилоятида яшайди.

156) **Усмонова Гульчехра Собировна,** 1972 йилда Андижон вилоятида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

157) **Хайрутдинова Гузал Альшеровна,** 1986 йилда Қозоғистон Республикасида туғилган, тожик, Тошкент вилоятида яшайди.

158) **Хакимова Шарофат Саматовна,** 1956 йилда Бухоро вилоятида туғилган, тожик, Бухоро вилоятида яшайди.

159) **Халматова Джумагул Шониевна,** 1965 йилда Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, Қашқадарё вилоятида яшайди.

160) **Хамидов Содикжан Юлдашбаевич,** 1961 йилда Андижон вилоятида туғилган, ўзбек, Наманган вилоятида яшайди.

161) **Хамидова Ранохон Раманкуловна,** 1965 йилда Наманган вилоятида туғилган, ўзбек, Наманган вилоятида яшайди.

162) **Холмуминова Тамара Хайруллаевна,** 1964 йилда Самарқанд вилоятида туғилган, ўзбек, Навоий вилоятида яшайди.

163) **Холмуратова Шарофат Паттаевна,** 1967 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган, тожик, Сурхондарё вилоятида яшайди.

164) **Холмуротов Абдулло Дустмаматович,** 1965 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган, ўзбек, Сурхондарё вилоятида яшайди.

165) **Худайбергенова Айша Календеровна,** 1964 йилда Туркманистонда туғилган, ўзбек, Хоразм вилоятида яшайди.

166) **Хусаинова Сарви Давроновна,** 1966 йилда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

167) **Шадиева Зухра Нуралиевна,** 1970 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

168) **Шадманов Алим Трапович,** 1955 йилда Самарқанд вилоятида туғилган, ўзбек, Самарқанд вилоятида яшайди.

169) **Шарипов Шавкат Кулмурадович,** 1964 йилда Самарқанд вилоятида туғилган, ўзбек, Навоий вилоятида яшайди.

170) **Шарипова Фируза Бахшуллаевна,** 1969 йилда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

171) **Шахбазова Анзират Салахоновна,** 1961 йилда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

172) **Шерниёзов Нуриддин Йўлдашович,** 1959 йилда Хоразм вилоятида туғилган, ўзбек, Хоразм вилоятида яшайди.

173) **Шокаримова Озода Мухтаровна,** 1961 йилда Фарғона вилоятида туғилган, тожик, Фарғона вилоятида яшайди.

174) **Шомурадов Бақо Бафоевич,** 1971 йилда Бухоро вилоятида туғилган, тожик, Бухоро вилоятида яшайди.

175) **Эрназорова Саида Тожиевна,** 1963 йилда Қашқадарё вилоятида туғилган, ўзбек, Қашқадарё вилоятида яшайди.

176) **Эшанходжаева Махбуба Турсуновна,** 1966 йилда Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

177) **Юсупов Айтмурат Матекеевич,** 1970 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, қорақалпоқ, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

178) **Юсупов Ахтам Ибрагимович,** 1968 йилда Фарғона вилоятида туғилган, ўзбек, Фарғона вилоятида яшайди.

179) **Якубов Икром Машарипович,** 1966 йилда Хоразм вилоятида туғилган, ўзбек, Хоразм вилоятида яшайди.

2. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.Коканбаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 20 декабрь

ТАЪЛИМДА АКТ: ИЛҒОР ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Олий таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва компьютер қурилмалари билан жиҳозлаш, талаба-ёшлар билан ўтказиладиган тадбирларнинг маънавий-ахлоқий мазмуни ва натижадорлигини такомиллаштириш мақсадида "2017-2021 йилларда Республика олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури" ишлаб чиқилган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш маркази ташкил этилган. Мазкур марказ таълим муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва мониторинг қилиш, ягона ахборот муҳитини яратиш, электрон таълимни ривожлантириш, таълим жараёнида компьютер ускуналаридан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш юзасидан кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда.

Олий таълим муассасаларида "Электрон таълим" миллий тармоғининг жорий этилиши бўйича Тошкент давлат педагогика университети етакчи таълим даргоҳларидан саналади.

– Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет жадал ривожланиб бораётир, – дейди Тошкент давлат педагогика университети ахборот таълим маркази раҳбари Сайфулло Доттоев. – Замонавий ахборот технологиялари юксак тараққий этган, интернетдан фойдаланувчилар сафи кенгаяётган ҳозирги давр талабаларнинг ўқув жараёнлари, илмий методикаларини ҳам электронлаштиришни тақозо этади. Университетимизда ягона локал интернет тармоғи ташкил этилган бўлиб, унга барча факультетлар, кафедра ва бўлимлар тўлиқ уланган.

Таълим муассасасидаги ўқув хоналари ва маъруза заллари мультимедиа техникалари билан жиҳозланиб, ўқув жараёнида замонавий компьютерлардан фойдаланилмоқда. Талабалар фанлар бўйича маълумотларни интернет орқали масофадан туриб олиш имкониятига эга. Ўқитишнинг бу усули талабаларнинг вақтдан самарали фойдаланиши, ўқув материалларини пухта ўзлаштириши ва таълим сифатининг ошишига хизмат қилмоқда.

Университетда ўқитиладиган барча фанлар бўйича электрон ўқув-методик мажмуалар базаси яратилиб, веб-сайт орқали талаба ва профессор-ўқитувчиларга етказишга қаратилган веб-тизим ишлаб чиқилган. Дарсларда ўқитиладиган барча фанлардан 891 ўқув-методик мажмуа, 139 электрон дарслик ва ўқув қўлланма яратилган.

Мазкур университетда Корея Республикаси билан ҳамкорликда ишга туширилган электрон кутубхона талабаларни деярли барча адабиётларнинг электрон шакли билан таъминлаш имконини бермоқда. Профессор-ўқитувчиларнинг электрон шахсий иш режаси, электрон журнал, ўқитиш муҳити каби тизимларни жамлаган веб тизим ишга туширилган. Электрон журнал тизими талабаларнинг давомати, жорий, оралиқ ва якуний баҳолаш натижаларини киритиш, сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда тегишли ҳисоботларни тайёрлаш имконини беради.

Университет расмий веб-сайти ҳар куни янгиликлар билан бойитилади. Сайтда интерактив хизматлар учун алоҳида бўлим очилган. Таълим муассасаси сайтига ҳоҳлаган киши кириб, "Вакант лавозимлар", "Электрон қабулхона", "Олий таълим муассасаларига қабул", "Диплом олганлик тўғрисида маълумот", "Электрон кутубхона каталоги", "Илмий фаолият" каби интерактив хизматлардан фойдаланиши мумкин.

Азима ҚИЁСОВА,
ЎзА мухбири



Танловлар

ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ

Хотин-қизларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, маънавий савиясини юксалтириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан этиб белгиланган. Биринчи Президентимиз ғамхўрликлари остида таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофотининг жорий этилиши ҳам, юртимиз хотин-қизларининг эзгу интилишларини рўёбга чиқариш борасида яратилаётган кенг имкониятларнинг бир кўринишидир.

Пойтахтимиздаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактабида мазкур кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова ва бошқалар истеъдодли қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти турли соҳаларда изланиш олиб бораётган қизларни саралаб, уларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқаришга хизмат қилаётганини таъкидлаб ўтдилар.

Ўтган йиллар давомида 250 нафар қизларимиз Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари бўлишди. Пойтахтимиздан 17 нафар истеъдодли қизларимиз ушбу юксак мукофотнинг соҳибалари сифатида бугунги кунда шаҳримизда бўлиб ўтаётган ҳар бир сиёсий, ижтимоий, маънавий тадбирларда ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Тошкент шаҳри бўйича жорий йилда танловнинг илк босқичларида, шаҳримиздаги олий ўқув юртлари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва умумтаълим мактаблари, "Меҳрибонлик уйлари" ва мактаб-интернатлардан жами ўн саккиз мингга яқин қизлар иштирок этди.

Уларнинг 550 нафари туман босқичларида қатнашди. Зулфия номидаги Давлат мукофоти шаҳар комиссиясига тавсия этилган номзодлар сони 150 нафарни ташкил этди. Комиссия аъзолари томонидан ҳужжатлар ўрганилиб чиқилиб сараланган 59 нафар қиз танловнинг шаҳар босқичида қатнашиш имкониятини қўлга киритди.

Танловда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган соҳаларда эришган ютуқлари, ёзган шеър, ҳикоя ва мақолалари, миллий, бадиий безак ва каштачилик бўйича ишлари, шунингдек, оҳанрабо қўшиқ, дилбар рақс ва спорт ўйинларидан лавҳалари билан қатнашиб ўз иқтидорларини намоён этдилар. Маданият, санъат ва спорт соҳасида қатнашаётган қизларнинг ижодидан кўргазмалар ҳам намойиш этилди.

Оқила, доно, зукко ва билимдон қизларнинг ҳар бир чиқиши ўзгача бир дунёни кашф этди. Уларнинг кийган кийимларидаги миллийлик кўзларни қувнатса, юзларидаги ўзбекона ҳаё кўнгилларга шукроналик бахш этди. Танловнинг асл моҳиятида нафақат қизлар орасидан иқтидорларни аниқлаб олиш, балки, юртимиз қизларига бўлган ишонч, меҳру муҳаббат ва эҳтиром туйғулари ҳам мужассамдир.

– Ҳа, Зулфияхоним барҳаёт сиймо, у халқ қалбида, юрагида, эл орасида яшамоқда, – дейди Учтепа туманидан адабиёт йўналиши бўйича иштирок этган Дилноза Атоева. – Мен ҳам аёл муҳаббати, жасорати, сабру қаноати, вафо ва ҳаёси билан барчамизга ўрнак бўлган, юртимиз учун сидқидилдан меҳнат қилган, маънавиятимиз ва маърифатимизга муносиб ҳисса қўшган шоирамизнинг издошлари сафидан жой олишга интиламан. Ана шу истак ва мақсад туйғулари билан яшаб она Ватанимга муносиб фарзанд бўлишга ҳаракат қиламан.

Зулфияхоним қизлари кўрик-танлови ҳам бу борадаги буюк изланишларга, интилишларга, умидли чўққиларга қўйилган хайрли қадамлардан биридир.

Танлов сўнгида иштирокчи қизлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: танловдан лавҳа
Ислом Исмоилов олган сурат

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

МУҲОКАМАЛАРДА ТЕГИШЛИ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда партия сиёсий кенгаши ижроия қўмитасининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида белгилаб берилган давлат ва жамият ҳаётидаги ўта муҳим устувор йўналишларни ҳаётга татбиқ этишда партиянинг барча бўғинлардаги тузилмалари ва депутатлик бирлашмалари олдида турган долзарб вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини изчил ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини стратегик асосланган даражада қисқартириш, хусусий мулкни янада ривожлантириш ва уни ҳимоя қилишга доир комплекс масалаларни ҳал этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масалалари устувор вазифалар қилиб белгиланган.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси раиси С.Турдиев ва бошқалар эркин ва ҳуқуқий демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ватанимиз иқтисодий қудратини юксалтириш ва янада равнақ топтиришда сиёсий партиялар олдида ўта масъулиятли вазифалар турганини таъкидлади.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари нутқини ҳар томонлама ўрганиш жараёнида аҳоли ва электорат ўртасида амалга оширилаётган тарғибот-тушунтириш ишларини янада кучайтириш лозимлиги қайд этилди. Бу одамларимизнинг онгу тафаккурида рўй бераётган туб ўзгаришларга, уларнинг ён-атрофдаги воқеаларга дахлдорлик ҳисси, сиёсий фаоллиги ва фуқаролик позициясини тобора мустаҳкамлаш ва юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг очиқ ва самимий мулоқот қилиш орқали одамларнинг дунёқарашини ўзгартиришда ЎзЛиДеП вакиллари, фаоллари ва айниқса депутатлик корпусининг масъулиятини ошириш ва шу орқали одамларнинг бугунги турмушидан ва ҳаётидан розилигига эришиш, уларнинг давлат органлари ва мансабдор шахсларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш борасидаги фикрлари асосида келиб чиқадиган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда ЎзЛиДеПнинг барча тузилмалари давлатимиз раҳбарининг нутқида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фаол иштирок этиши лозимлиги қайд этилиб, партиянинг бу борада кечиктириб бўлмайдиган чораларни назарда тутувчи қисқа муддатда қабул қилинадиган ҳаракат дастурининг лойиҳаси юзасидан аниқ таклифлар билдирилди.

ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали тадбирдаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришишга бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаларидан келиб чиқадиган партия ва унинг депутатлик корпуси олдидаги муҳим вазифалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши раиси Ҳ.Кетмонов, Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Р.Комилов ва бошқалар қонунларнинг ислоҳотлар самарасига таъсирини ошириш, уларнинг ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги ролини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Президентимизнинг парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳволни ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифи депутатларнинг янада фаол бўлишига, парламентнинг қонун ижодкорлиги ва назорат таҳлил фаолиятини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Йиғилишда қонунларни халққа, ижрочиларга етказиш, уларнинг ижросини таъминлаш механизмларини янада кучайтириш, жумладан, "Парламент назорати тўғрисида", "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунларда белгиланган ваколатлардан фойдаланиб, тегишли масалалар юзасидан мансабдор шахслар эшитувини тизимли равишда ташкил этиш, амалга оширилган ишларни партия нашрларида ёритиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Фракция йиғилишида давлатимиз раҳбари маърузаларининг мазмун-моҳиятини кенг аҳоли қатламларига етказиш бўйича турли тадбирлар, хусусан, семинар, давра суҳбати, конференция ва учрашувлар ўтказиш бўйича аниқ таклифлар билдирилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг чора-тадбирлар режаси қабул қилинди.

(ЎзА)



М.Амин (ЎзА) олган сурат

Йил охирлаб, Янги йил нафаси сезилмоқда. Байрамни нишонлаш учун кўчалар, уйлар безатилмоқда. Яна кўпчилик дастурхон ноз-неъматларини ҳам жамғаришга киришган...

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА АТАЛГАН НЕЪМАТЛАР

Бозор – юрт ободлиги, эл маъмурчилиги белгиси. Юртимиз бозорларида сархил мева ва полиз маҳсулотларининг мўл-кўллиги кўзни қувонтиради.

Янги йил байрами арафасида аҳоли дастурхони тўкин-сочинлигини таъминлаш, нарх барқарорлигини сақлаш мақсадида вилоят марказлари ва Тошкент шаҳри бозорларида байрам ярмаркаларини ташкил этиш анъанага айланган. Унга таъминотчи корхоналар, агрофирма ва фермер хўжаликлари, паррандачилик фабрикалари бириктирилган. Ҳар бир савдо нуқтасида тўлов терминали ўрнатиш, маҳсулотни сифатли ва арзон нархда етказиб бериш ҳамда юксак савдо маданияти асосида сотиш бўйича вазифалар белгилаб берилган.

Тошкентнинг энг йирик бозорларидан бири – "Эски жўва деҳқон бозори"да Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятлари фермерлари етиштирган гўшт, тухум, картошка, пиёз, олма, анор, узум, гуруч, сал-қин ичимликлар, қандолат маҳсулотлари савдо-ярмаркаси ташкил қилинган. Харидорларга кўрсатилаётган хизматлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида ярмаркалар турғун савдо расталарида ташкил этилиб, байрамона безатилди.

"Ўзбекозиқовқатхолдинг", "Ўзвиносаноат-холдинг" компаниялари, "Паррандасаноат" уюшмаси тизимидаги ташкилотлар ёғ, қандолат, консерва, сут, гўшт ва тухум маҳсулотлари, турли ичимликларни арзонлаштирилган нархларда етказиб бермоқда. Бозорга киритилаётган барча турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ветеринария-санитария экспертиза лабораториялари ходимлари томонидан текширувдан ўтказилгач, сотишга рухсат берилади.

– Байрам дастурхони учун гўшт ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, мева ва ширинликлар, турли салқин ичимликларни ушбу ярмаркадан харид қилмоқдамиз, – дейди Хуршид Муҳиддинов. – Асосийси, сифати яхши, нархи арзон, нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўлга қўйилган. Бундай қулайликлар яратилгани учун миннатдормиз.

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркалари 2017 йилнинг 5 январигача давом этади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2017 йил 10 январь куни соат 11.00да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига Миробод туман СИБ томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран чиқарилмоқда: 1.1. "Space Arsenal Service" МЧЖда сақланаётган: ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 19.02.2016 йилдаги 1-882/2015-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 17 242 991 сўм бўлган 1998 йилда и/ч, д/р 01X845AA, "Дамас" р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Яккасарой туман судининг 05.11.2016 йилдаги 1-463/16-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 21 424 295 сўм бўлган 1998 йилда и/ч, д/р 01Q744CA, "ГБА-СПГ-Леганзе" р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Миробод туман судининг 18.05.2014 йилдаги 1-366/2014-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 15 383 305 сўм бўлган 2001 йилда и/ч, д/р 30/090TTE, "Нексия" р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг 23.12.2014 йилдаги 1-801/14-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 14 959 625 сўм бўлган 2007 йилда и/ч, д/р 01Z093JA, "Матиз Бест" р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг 24.01.2014 йилдаги 1-12/14-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 7 421 044 сўм бўлган 1992 йилда и/ч, д/р 01X726NA, "Тико" р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 10.10.2013 йилдаги 654/13-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 3 260 959 сўм бўлган 1977 йилда и/ч, д/р 01H235HA, "ВАЗ-2106" р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 06.08.2014 йилдаги 1-528/2014-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 16 503 654 сўм бўлган 1997 йилда и/ч, д/р 01R586MA, "Нексия" р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Яккасарой туман судининг 04.03.2015 йилдаги 1-27/16-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 24 158 700 сўм бўлган 2011 йилда и/ч, д/р 01F941PA, "Спарк" р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 21.06.2010 йилдаги 517F10-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 1 920 605 сўм бўлган 1992 йилда и/ч, д/р 30C7832, "Москвич-21412" р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 15.03.2016 йилдаги 1-131/2016-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 9 610 319 сўм бўлган 1990 йилда и/ч, д/р 01T679NA, "ВАЗ-21061" р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Миробод туман судининг 18.03.2016 йилдаги 1-329/2015-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 4 230 363 сўм бўлган 1976 йилда и/ч, д/р 01O646KA, "ВАЗ-2101" р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 25.08.2015 йилдаги 1-662/2015-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 4 062 150 сўм бўлган 1978 йилда и/ч, д/р 01P840BA, "ВАЗ-2101" р-ли ав-на; 1.2. ЖИБ Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 20.01.2015 йилдаги 1-06-15-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар ИИБ "Ахборот маркази" жарима майдончасида сақланаётган бошланғич баҳоси 21 470 228 сўм бўлган 2011 йилда и/ч, д/р 01H992KA, "Матиз МХ б/к ГБО СПГ" р-ли ав-на; 1.3. ЖИБ Тошкент вилоят судининг 28.02.2014 йилдаги 2-249/14-сонли ижро варақасига асосан МХХ Тошкент вилояти бошқармасида сақланаётган бошланғич баҳоси 1 304 921 сўм бўлган 1987 йилда и/ч, д/р 11D205, "ЯВА-350" р-ли мотонаклиёт; 1.4. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 05.11.2015 йилдаги 30-сонли ижро варақасига асосан МХХ Тошкент шаҳар бошқармасида сақланаётган: бошланғич баҳоси 61 200 000 сўм бўлган 1991 йилда и/ч, д/р 01/3227AA, "CHEREAU" р-ли юк ав-на; бошланғич баҳоси 61 200 000 сўм бўлган 1991 йилда и/ч, д/р 01/4519AA, "SHMITZ" р-ли юк ав-на; бошланғич баҳоси 68 500 000 сўм бўлган 1998 йилда и/ч, д/р 01/3126AA, "CHEREAU SKO-24" р-ли юк ав-на; бошланғич баҳоси 115 000 000 сўм бўлган 1998 йилда и/ч, д/р 01X868LA, "MAN-19463 FLTN" р-ли юк ав-на; бошланғич баҳоси 112 200 000 сўм бўлган 1996 йилда и/ч, д/р 01X820LA, "Mercedec-Benz Actiroc-1844" р-ли юк ав-на; бошланғич баҳоси 165 000 000 сўм бўлган 2005 йилда и/ч, д/р 01O820LA, "Mercedec-Benz Actiroc-1844" р-ли юк ав-на; 1.5. ФИБ Учтепа туманлараро судининг 04.03.2016 йилдаги 1-2322/16-сонли ижро варақасига асосан "Зафар-И" боҳжона омборида сақланаётган бошланғич баҳоси 194 515 350 сўм бўлган 1997 йилда и/ч, д/р WRA 22019, "VOLVO FH-12" р-ли юк ав-на.

2017 йил 25 январь куни соат 11.00да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига Миробод туман СИБ томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт чиқарилмоқда: 1.1. Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган: ЖИБ Сергели туман судининг 30.10.2015 йил 1-377/15-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 32 101 220 сўм бўлган 2010 йилда и/ч, д/р 10L244CA, "Нексия" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси 23 930 677 сўм бўлган 2009 йилда и/ч, д/р 80/747EAA, "Матиз" р-ли ав-на ҳамда бошланғич баҳоси 9 497 948 сўм бўлган 1982 йилда и/ч, д/р 10K017LA, "ВАЗ-2106" р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 05.05.2016 йилдаги 1-448/16-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 27 756 349 сўм бўлган 2010 йилда и/ч, д/р 10C876FA, "Нексия" р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 25.03.2016 йилдаги 1-205/2016-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 25 200 000 сўм бўлган 2013 йилда и/ч, д/р 01C986RA, "Матиз" р-ли ав-на; 1.2. Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 11.07.2016 йилдаги 10-1612/16896-сонли ижро варақасига асосан Миробод туман Ободонлаштириш бошқармасида сақланаётган бошланғич баҳоси 27 616 500 сўм бўлган 1997 йилда и/ч, д/р 01/243PBA, "КАМАЗ-53213" р-ли юк ав-на ҳамда бошланғич баҳоси 11 175 800 сўм бўлган 1996 йилда и/ч, д/р 01/282ECA, "Тико" р-ли ав-на. Савдолар "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаси билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 11:00да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АТБ "*Infin*BANK" банкдаги МФО: 01041, ИНН: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. E-mail: info@auksion.uz. Тел: (95) 193-74-96.

Гувоҳнома № 005148

Спорт янгиликлари







(ЎзА) олган суратлар

Юртимизда ёшларни спорт мусобақаларига оммавий тарзда жалб этиш, спортнинг бадиий гимнастика турини кенг тарғиб қилиш мақсадида мақташга арзигулик ишлар амалга оширилмоқда.

ЎН УЧТА МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

Дубай шаҳрида илк маротаба ёш гимнастикачилар ўртасида ўтказилган "Dubai International Junior Championship" номли турнирда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши қошидаги "Камолот-спорт-саломатлик" маркази ёш гимнастикачилари иштирок этишди.

Турнирда Россия, Чехия, Украина, Озарбойжон, Арманистон, Хитой, Қозоғистон, Ливан ва бошқа мамлакатларнинг 26 жамоа вакиллари маҳоратларини намоён қилишди. Ватанимиз шарафини "Камолот-спорт-саломатлик" маркази жамоаси ҳимоя қилди.

Икки кун давом этган турнир сўнгида Ўзбекистон номидан иштирок этган иштирокчилар 13 та медаль – 10 та олтин ва 3 та кумуш медални қўлга киритишди.

Зиёда РАСУЛОВА

РАМЗИЙ ТЕРМА ЖАМОАДАН ЎРИН ОЛДИ

Ўзбекистон терма жамоаси ҳамда Москванинг "Локомотив" футбол клуби ҳимоячиси Виталий Денисов Россия футбол премьер-лигаси биринчи даврасининг рамзий терма жамоасига киритилди.

29 ёшли футболчи ҳар бир учрашувда ўртача 6,03 баҳо билан Россия чемпионатининг энг яхши чап қанот ҳимоячиси бўлди.

Таъкидлаш жоиз, ҳамюртимиз 2013 йили "Локомотив" Москва таркибига қўшилган. Шу вақтгача у "Темирйўлчилар"нинг 118 ўйинида майдонга тушиб, 1 та гол муаллифи бўлган. Жорий мавсумда эса Виталий Денисов "Локомотив" таркибида 15 та ўйинда майдонга тушиб, 4 та сариқ карточка олган.

Ботир ХЎЖАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 10 январь куни соат 11.00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 21-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2015 йил 20 июлдаги ҳукми асосида берилган 2-285-30М-14-сонли ижро варақасига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд департаменти томонидан хатланган қуйидаги мулклар тақроран аукцион савдосига қўйилмоқда.

2011 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 01 625 ТВА, кузов XWB5M31BDBA263795, оқ рангли, қониқарли ҳолатда бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 50 183 668 сўм.

Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой Аэропорт VIP сақлаш жойи.

2010 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 01 450 FBA, кузов KL1LF69KEAB014689, қора рангли, "Эпика" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 59 280 000 сўм.

Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий кўчаси, Тошкент ОРМЗ.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2017 йил 9 январь куни соат 18.00да тўхтатилади.

2017 йил 24 январь куни соат 11:00да Тошкент шаҳар хўжалик судининг 17.10.2016 йилдаги №10-1618/18145-сонли ижро варақасига асосан Шайхонтоҳур тумани СИБ иш юритувидаги №2-564/24-сонли ижро иши бўйича хатланган қуйидаги автотранспортлар аукцион савдосига қўйилмоқда.

2013 йилда ишлаб чиқарилган, қаймоқ рангли, давлат рақам белгилари: 01/772ТТС, 01/720ТТС "Нексия" русумли автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: Яккасарой тумани КХАЙ 22-уй манзилида жойлашган "Avtomotohavaskor" МЧЖга қарашли транспорт воситаларини сақлаш жойида. Ҳар бирининг бошланғич баҳолари 25 000 000 сўмдан.

01/718ТТС, 01/787ТТС, 01/876ТТС "Нексия" русумли автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: Бектемир тумани, Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 3-уй (Бектемир тумани ҳокимияти ёнида) манзилида жойлашган "Rovshan Builing Grobr" МЧЖга қарашли транспорт воситаларини сақлаш жойида. Ҳар бирининг бошланғич баҳолари 25 000 000 сўмдан.

01/779ТТС, 01/773ТТС "Нексия" русумли автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: Шайхонтоҳур тумани, Лайлитўғон кўчаси, 1-уйда жойлашган "Auto Plaza Service" МЧЖ. Ҳар бирининг бошланғич баҳолари 25 000 000 сўмдан.

01/696ТТС "Нексия" русумли автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: Мирзо Улуғбек тумани, Феруза мавзеси, 2-уйда жойлашган "Феруза Баракат Сервис" МЧЖга қарашли автотранспортларни сақлаш майдонида. Ҳар бирининг бошланғич баҳолари 25 000 000 сўмдан.

01/011ТТD бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситалари. Ҳар бирининг бошланғич баҳолари 25 000 000 сўмдан.

Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: Шайхонтоҳур тумани, Лайлитўғон кўчаси, 1-уйда жойлашган "Auto Plaza Service" МЧЖ.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2017 йил 23 январь куни соат 18.00да тўхтатилади.

- юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

- жисмоний шахслар учун - паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

Савдога қўйилган мулклар билан суд департаменти бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz. Телефонлар: +99898 180-95-95.

Гувоҳнома 5477

"Universal Realtor" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Яшнобод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 24.08.2015 йилдаги 10-1520/14613-сонли, 27.07.2015 йилдаги 10-1513/11574-сонли, 10.09.2015 йилдаги 10-1505/14724-сонли ва 17.07.2016 йилдаги 10-1515/11317-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Ҳалқа йўли, саноат ҳудуди, 5-уй манзилида жойлашган 111-сонли дўкон қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси 72 945 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 23 январь куни соат 15.00да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Аризалар юқорида кўрсатилган манзилда расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2017 йил 20 январь куни соат 15.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, "Universal Realtor" МЧЖнинг АТБ "Капитал Банк" Тошкент шаҳар филиалидаги МФО-00445, СТИР-302 269 399, 2020 8000 1049 7522 8001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Кўшимча маълумот олиш манзили: "Universal Realtor" МЧЖ 100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон 150-35-55. Email:universal.realtor@mail.ru

Лицензия RR-0127.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР/ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР/ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 25 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

СИБ Тошкент шаҳар Миробод туман бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 17.10.2016 йилги №10-1618/18146-сонли ижро варақасига асосан хатланган 1. 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 412 ТТС бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 24 000 000 сўм. 2. 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 133 ТТА бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 25 000 000 сўм. 3. 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 415 ТТС бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 25 000 000 сўм. 4. 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 138 ТТА бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 23 000 000 сўм. 5. 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 321 ТТD бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 25 000 000 сўм. 6. 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 134 СЕА бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 23 000 000 сўм. 7. 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 119 ТТА бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 23 000 000 сўм.

СИБ Тошкент шаҳар Яшнобод тумани бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Яккасарой тумани судининг 4.05.2016 йилдаги № 1-81/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган 2008 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 01 G 452 МА бўлган "Лада" 21154-120-20 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси: 28 989 968 сўм.

СИБ Тошкент шаҳар Миробод тумани бўлими томонидан 16.02.2015 йилги №2123-24/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 К 988 СА бўлган "Эпика" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 43 618 000 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда, яъни 2017 йил 23 январь куни соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 9048 8730 5001, МФО: 01103, СТИР: 301 829 604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (371) 233-61-44. (95) 146-61-44.

Гувоҳнома 004593

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ФУҚАРОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар минтақавий Вакили 13 йилдан бери фаолият юритиб келмоқда. Тошкент шаҳри фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатлари ҳар куни (шанба, якшанбадан ташқари) соат 11.00-13.00 ва 14.00-17.00гача қабул қилинади.

Бизнинг манзил: Амир Темур шоҳ кўчаси, 14-уй.

Телефонлар: 239-05-57, 232-10-25, 233-91-77

MOS BIZNESS "DD" (ИНН 205037901) масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри аҳолиси диққатига!

"TOShShAHARNUR" давлат унитар корхонасининг диспетчерлик хизмати Тошкент шаҳри кўча чироқларининг узлуксиз ишлаши тўғрисидаги мурожаатларингизни қабул қилади

Мурожаат учун

Телефон: 230-20-20, 232-20-20

Telegram: +99895 196-20-20

e-mail: nur.2016@mail.uz http://tashgorsvet.uz/questions

Таклифларингизни қуйидаги телефон рақамлари орқали беришингиз мумкин:

250-57-57, 250-71-96, 250-43-08, 250-44-71, 250-77-12

"TOShShAHARNUR" ДУК маъмурияти

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги муассислигида нашр этиладиган "Халқ таълими" илмий-методик ва "Халқ таълими ахборотномаси" журналларининг 2017 йилда чоп этилиши режалаштирилган йиллик олтитадан сонини чиқариш учун танлов эълон қилинади. Бунинг учун танловда иштирок этиш ваколатига эга ҳар бир ташкилот ва матбаа корхоналарининг танлов таклифларини 2017 йил 10 январь куни соат 10.00 дан кечиктирмай тақдим этишга

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

Танлов ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисида батафсил маълумотларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 607, 608, 609-хоналар.

Тел./факс: (0371) 239-27-11; 239-27-14.

Нархлар кўрсатилган таклифларингиз алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан муҳрланган бўлиши лозим.

М.Улуғбек тумани ТСРЎИ томонидан 21.12.2005 йилда № 001592-04 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "VERDAD-RSR" МЧЖ (ИНН 205918571) таъсисчиларининг 16.12.2016 йилдаги қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги телефон рақами ор-қали қабул қилинади. +99890 333-59-62

"Kimoshdisavdoservis" МЧЖнинг "Тошкент оқшоми" газетасининг 14.12.2016 йил №259, 23.11.2016 йил № 246, № 252, 13.12.2016 йил №258, 21.11.2016 йил №244 сонларидаги "Kimoshdisavdoservis" МЧЖнинг Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 42-уй деб берилган аукцион манзили Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 21-уй деб ўқилсин. Маълумот учун тел: +99893465-55-89

Гувоҳнома 5477

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **23 декабрь** куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан қор ёғади. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундига 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража совуқ, кундузи — 0-2 даража иилиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **23 декабрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9223

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1255

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4637 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 14.10

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ